



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SO'LIQ KUMITASINING**  
**QARORI**

**Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари**  
**Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи**  
**шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 июлдаги 462-сон “Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон “Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12(I)-сон, 162-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари ушбу қарор иловасига мувофиқ тахрирдаги 4а-илова билан тўлдирилсин.

2. Шундай тартиб белгилансинки, унга асосан ушбу қарор иловасига мувофиқ ҳар бир жисмоний шахс кесимида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммалари тўғрисида маълумотлар солиқ тўловчилар томонидан 2019 йилнинг 1 январига қадар ихтиёрий равишда тақдим этилади.

3. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,

2017 йил “20” ноябрь,

160 -сон

  
Б. Ходжаев  


Давлат солиқ кўмитаси раиси

Тошкент ш.,

2017 йил “20” ноябрь,

2017-62 -сон





Б. Парпиев

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
ва Давлат солиқ қўмитасининг  
2017 йил 20 ноябрдаги  
160 ва 2017-62-сон қарорига  
ИЛОВА

“Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари  
Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобиغا  
4а-ИЛОВА

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

варак

0	6
---	---

Ҳар бир жисмоний шахс кесимида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига  
ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммалари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

20 \_\_\_\_ йилнинг \_\_\_\_ ойн учун

Т/р	Жисмоний шахснинг Ф.И.О.	Лавозими	СТИР	ЖШШИР	Олдинги ҳисобот даври охирига ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммаси (олдинги ҳисобот даври учун Маълумотнинг 8-устуни)	Ҳисобот ойни учун ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммалари (ўсиб борувчи яқунсиз тўлдирилади)	Ҳисобот даври охирига ҳисобланган фуқароларнинг суғурта бадаллари суммаси (6-уст. + 7-уст.)	Суғурта бадаллари ҳисобланмаган даврлар		
								бошланиш санаси (кун)	яқуний сана (кун)	Асос (м. т., б. п., и. с., м. л. м.ф.)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
<b>ЖАМИ</b>										

Изоҳлар:

3 – устунда *Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори (ХАЛИКК – 2017)га мувофиқ жисмоний шахснинг эгаллаб турган лавозими кўрсатилади.*

6-устунда *тегишли жорий солиқ даврининг биринчи ойида “0” қиймат киритилади.*

9, 10, 11-устунлар *ҳодим иш жойида узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолатларда тўлдирилади.*

9-устунда *таътил бериш санаси ёки 11-устунда кўрсатилган сабаб билан иш жойида бўлмасликнинг бошқа даври бошланиш санаси кўрсатилади.*

10-устунда *таътилни яқунланиши санаси ёки 11-устунда кўрсатилган сабаб билан иш жойида бўлмасликнинг бошқа даври яқунланиши санаси кўрсатилади.*

11-устунда *жисмоний шахсларнинг иш жойида узрли сабабларга кўра бўлмаганлиги давларининг қисқача белгиланишлари, шунингдек меҳнат фаолиятининг бошланиши ва яқунланиши кўрсатилади (м. т. – йиллик меҳнат таътили, б. п. – декрет таътили (бола парвартилаш), и. с. – иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил, м. л. – меҳнатга лаёқатсизлик даври, м.ф. – меҳнат фаолияти даври – ҳодим ишга қабул қилинганда ва ишдан бўшатилганда тўлдирилади).*

Раҳбар

\_\_\_\_\_ (имзо)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)”.  
\_\_\_\_\_